

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



«Халқаро Ҳамкорлик Маркази» АЖ акциялари савдога чиқарилади

Президентнинг 16.10.2017 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирларига доир қарори қабул қилинди. Бу ҳақда

мамлакатимиз раҳбарининг president.uz сайтида хабар қилинган.

«Интерсервис» республика ҳўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий бирлашма давлат корхонаси ҳамда

«Халқаро Ҳамкорлик Маркази» АЖ Ташқи савдо вазирлиги тузилмасидан Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Бунда «Халқаро Ҳамкорлик Маркази» АЖ устав капиталидаги давлат акциялари пакети 1 ой муддатда баҳоланади ва белгиланган тартибда савдога қўйилади (бунда давлат акцияларнинг 51%ини сақлаб қолади).

Шуниси эътиборга лойиқки, «Халқаро Ҳамкорлик Маркази» таркибига кирган «Tashkent Plaza» савдо маркази (Тошкент ш., Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 1076) ҳамда «Чимган» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги дам олиш зонаси (Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани) тегишинча Ташқи савдо вазирлигининг «Ўсаноатэкспорт» АЖ ва «Ўзтрейд» АЖ балансига ўтказилди. Шу боис «Халқаро Ҳамкорлик Маркази» АЖнинг давлат акциялари сотуви ушбу активларсиз ўтказилади.

Заргарларга лицензиялар «ягона дарча»да берилади

Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2017 йилдаги 777-сон қарори билан Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисида низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, 1.10.2017 йилдан бошлаб заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият лицензияланади. Қимматбаҳо металллар ишлаб чиқарувчиларга фақат тегишли лицензия мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Лицензияловчи орган – Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги. Лицензиялаш жараёни фақат «ягона дарча» марказлари орқали (шахсан келиб) ёки ЯИДХП орқали (ҳужжатларни ЭРИ билан тасдиқлаган ҳолда электрон шаклда) тасдиқланган схема бўйича амалга оширилади.

Лицензиялар 5 йил ёки ундан кам муддатда даъвогарнинг аризасига кўра берилади. Лицензия қуйидаги иш турлари учун берилади (барча иш турлари учун ёки исталган гуруҳлардан бири учун берилади):

- Марказий банк захирасидан ажратилган қимматбаҳо металллардан фойдаланган ҳолда заргарлик буюмларини тайёрлаш. Ўзининг ишлаб чиқариш чиқиндиларидан механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаган ҳолда қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш ва қайта ишлаш (қимматбаҳо

металлларнинг давал чиқиндиларини қайта ишлаш ҳуқуқисиз);

- якка тартибдаги буюртма асосида давал материаллардан заргарлик буюмларини тайёрлаш ва қимматбаҳо металллардан ясалган заргарлик буюмларини таъмирлаш. Ўзининг ишлаб чиқариш чиқиндиларидан механик, кимёвий ва металлургия жараёнларини қўллаган ҳолда қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш ва қайта ишлаш (қимматбаҳо металлларнинг давал чиқиндиларини қайта ишлаш ҳуқуқисиз).

Лицензия олиш учун ўрнатилган талабларга жавоб бериш ва тасдиқланган шаклда ариза бериш лозим. Лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлик Асиллик даражасини белгилаш палатаси ходими томонидан жойига чиқиб ўтказиладиган даъвогарни ўрганиш чоғида аниқланади.

Лицензияни бериш учун ариза у қабул қилинган санадан эътиборан 10 иш кўни ичида кўриб чиқилади. Ушбу ҳолатда аризани кўриб чиқиш учун йиғим ва лицензияни бериш учун давлат божи ҳам тўланади:

- юридик шахслар учун – ЭКИХнинг 5 баравари;
- якка тартибдаги тадбиркорлар учун – ЭКИХнинг 2 баравари.

Лицензияни расмийлаштириш қуйидагиларга асосан рад этилиши мумкин:

- даъвогар лицензия олиш учун зарур бўлган маълумотларни тўлиқ тақдим этмаси;



- даъвогар кўрсатган маълумотларда ишончсиз ёки нотўғри ахборот мавжуд бўлса;

- даъвогар талаблар ва шартларга мос келмаси;

- даъвогарни лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлиги юзасидан ўрганиш натижаларига кўра асосланган салбий ҳулоса.

Лицензия билан бирга даъвогарга бутун фаолият даври учун шахсий тамға берилади. Унинг изи лицензиат буюмларига уларни қолганлардан идентификация қилиш учун туширилади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 9.10.2017 йилдаги 40 (800)-сонидан расман эълон қилинди. Лицензиялашнинг таъриф берилган тартиби 1.10.2017 йилдан амал қилади.

Шиша идишлар ишлаб чиқариш уч карра кўпайтирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 12.10.2017

йилдаги 816-сон қарори билан ички бозорни тўлдириш ҳамда республикамизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида шиша идишлар ва бошқа қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, қарор билан қуйидагилар кўзда тутилган: «Asl Oyuna» АЖни «Asl Oyuna» МЧЖ сифатида қайта ташкил этиш;

«Asl Oyuna» МЧЖда 1 000 та ишчи ўрни яратган ҳолда умумий қиймати 178 млн АҚШ долларилриқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш;

янги қувватларни фойдаланишга киритиш ва қуриш ҳисобига шиша идиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йилга 200 дан 600 млн шартли белгигача кенгайтириш;


салқин ичимликлар, пиво, ликёр-ароқ маҳсулотлари, мевасабзавот консервалари, металл қопқоқлар ишлаб чиқариш заводларини қуриш (ёки реконструкция қилиш);

товарларни идентификациялаш бўйича стикер-маркалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик даражасини ошириш мақсадида қарор билан уни ишлаб чиқариш бўйича янги ишлаб чиқариш қувватлари жорий этилишини ҳисобга олган

ҳолда қайта ишлатилган шиша идишлардан фойдаланишни босқичма-босқич рад этиш масаласини ўрганиш ва тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган.

Маълумот учун: «ASL OYUNA» АЖ – республикамизда шиша идишлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхона ҳисобланади, 2001 йилда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК ҳузурида ташкил этилган. 2002–2004 йилларда «HEYE international GmbH/GLASTECHNIK WINKLER & Co» (Германия) фирмасининг замонавий ускуналари олиб келинган эди. Айланма маблағлар етишмовчилиги туфайли завод қурилиши 2008 йилгача тўхтатиб қўйилган. 2008 йилдан «Меҳнат» агрофирмаси корхона акциядорига айланади. 2009 йилдан бошлаб «ASL OYUNA» АЖ ўз маҳсулотини ишлаб чиқаришни бошлади.



Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Устав капитали, солиқлар, йиғимлар ва бож тўлови – эндиликда сўмда

4-БЕТ

Тренажёрдаги мураббий бирорта рухсат берувчи ҳужжатга эга бўлиши керакми?

7-8-БЕТЛАР

Қарз беришнинг учта қоидаси

Ишсизлар қандай билим олади

Вазирлар Маҳкамасининг 14.10.2017 йилдаги 824-сон қарори билан Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш минтақавий марказларида ўқишга қабул қилиш, касб-хунарга ўқитиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, апрель ойида 2017–2020 йиллар даврида республика ҳудудларида ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш марказларини босқичма-босқич ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинган эди.

Ўқиш учун нима керак

Маълумот учун: «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш куйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин, агар:

ишсиз шахс зарур касб малакасига эга бўлмаганлиги тўғрисида унга мақбул келадиган иш танлаш мумкин бўлмаса;

ишсиз шахснинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги сабабли унинг касбини (мутахассислигини, машғулоти турини) ўзгартириш зарур бўлса;

ишсиз шахс аввалги касби бўйича иш бажариш қобилиятини йўқотган бўлса.

Касб-хунарга ўқитиш минтақавий марказларида ўқиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: белгиланган шаклдаги ариза;

паспорт нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида паспортнинг асли кўрсатилади);

диплом ёки аттестатнинг асл нусхаси;

соғлиги тўғрисида маълумотнома (086-шакл);

иш берувчи, Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази ҳамда ишга кириш истагини билдирган шахс ўртасида тузилган ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома нусхаси;

Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази томонидан берилган йўлланма;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги рангли фотосурат (4 дона).

Ўқишга қабул қилиш учун ҳужжатлар қабул қилинадиган вақт мобайлида ҳужжат топширган номзодлар сони касб йўналиши бўйича белгиланган қабул квотасидан ошган тақдирда ушбу йўналиш бўйича номзодлар учун кириш имтиҳонлари ўтказилади. Кириш имтиҳонлари тест шаклида ўтказилади, бунда ҳар бир тўғри жавоб учун куйидагича баллар берилади:

I блок фани бўйича берилган ҳар бир тўғри жавоб учун (таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда: математика, биология ёки кимё) – 3,1 балл;

II блок фани бўйича берилган ҳар бир тўғри жавоб учун (таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда: кимё, физика, биология ёки чет тили) – 2,1 балл;

Экспертларимиз Олег Заманов, Самир Латипов, Феруз Хайруллаев тайёрлади.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

Вояга етмаганларга энергетик ичимликлар сотганлик учун жарима солинади

ҚЎТБТ порталида энергетик ичимликларни реклама қилиш ва сотиш тартибини мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси жойлаштирилди.

Қонун лойиҳасининг мазмунига кўра энергетик ичимликлар деганда таркибида қувват берувчи кимёвий моддалар бўлган, организмнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини оширишга қўдир алкохолсиз ичимликлар тушунилади, уларнинг рўйхати ва ҳажмлари чегараси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга уларни сотишни тақиқлаш тақдир этилмоқда. Кўрсатилган талабни бузганлик учун фуқароларга ЭКИХ-нинг 5 дан 10 баробаригача, мансаб-

дор шахсларга эса 7 дан 15 баробаригача миқдорда маъмурий жарима жорий этиш тақлифи киритилган.

Бундан ташқари, энергетиклар рекламаси билан боғлиқ қатор тақиқларни жорий этиш тақлифи қилинган. Шу тариқа, энергетик ичимликларнинг куйидагича рекламаларига тақиқ қўйилиши мумкин:

кундузги соат 7 дан тунги соат 22 гача электрон кўринишдагиси;

18 ёшга тўлмаган шахслар орасида унинг намуналарини текинга тарқатиш кўринишдагиси;

фақат болалар ва ўсимлар учун мўлжалланганларини босма нашрларда;

босма нашрларнинг биринчи ва охириги саҳифаларида ҳамда ушбу нашрларнинг телерадиодастурлар эълон қилинган саҳифаларида;



ХОРИЖНИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 24 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	6312,05	1 Польша злотийси	2240,75
1 Англия фунт стерлинги	10649,46	1 СДР	11397,52
1 БАА дирҳами	2197,13	1 Туркия лираси	2189,26
1 АҚШ доллари	8069,61	1 Швейцария франки	8200,82
1 Миср фунти	457,36	1 ЕВРО	9496,32
1 Канада доллари	6393,80	10 Жанубий Корея вон	7,14
1 Хитой юани	1217,04	10 Япония иенаси	70,95
1 Малайзия ринггити	1907,26	1 Россия рубли	140,31
		1 Украина гривна	304,17

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	23.10.2017	1	1,7001	1	2,0010	1	0,0295
Арманистон	23.10.2017	1	481,93	1	569,18	1	8,37
Беларусь	20.10.2017	1	1,9550	1	2,3075	100	3,3984
Грузия	23.10.2017	1	2,4864	1	2,9344	100	4,3213
Қозғистон	23.10.2017	1	335,24	1	395,82	1	5,82
Қирғизистон	24.10.2017	1	68,4396	1	80,3926	1	1,1909
Молдова	23.10.2017	1	17,3288	1	20,4576	1	0,3011
Россия	24.10.2017	1	57,4706	1	67,5567	—	—
Тожикистон	23.10.2017	1	8,7865	1	10,3839	1	0,1499
Туркменистон	23.10.2017	1	3,5000	1	4,1241	100	6,0893
Украина	23.10.2017	100	2 653,8902	100	3 136,3674	10	4,6145

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– «Тет эл» валютаси: д и талаблар сўмда қайта ҳисобланди
– «Маҳалла посбони» раҳбарлари ИИО кадрлар захирасига киритилади
– Валюталар курси
1-3, 7-бетлар

• **ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
– Транспорт хизматлари норезидент дарамади сифатида
– Оилавий корхонадаги хоналар: фойдаланиш йўллари
– Мулкимизни қайтармоқчимиз
– Рўйхатдан ўтиш жойини ўзингиз белгилайсиз
4-5-бетлар

• **АВТОНОРМА**
– Автомобил йўллари назорат остида
– Алкоголдан мастлик далилини исботлаш лозим
– Россияда чет эллик ҳайдовчилар гувоҳномаларини алмаштиришлари керак бўлади
6-бет

• **ЮРИСТ ТАВСИЯЛАРИ**
– Қарз қайтарилишини қандай таъминлаш мумкин
7-8-бетлар
• **ТАРАДДУД**
– Тошкентда илк бор: Глобал тадбиркорлик ҳафталиги
8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «НОРМА» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Чет эл валютасидаги талаблар сўмда қайта ҳисобланди

Президентнинг 29.09.2017 йилдаги ПФ-5197-сон Фармони билан Президентнинг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган, шунингдек айримлари ўз кучини йўқотган деб топилган.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Фармониға мувофиқ, товар, иш ва хизматлар учун нарх ва тарифлар, шунингдек, жамиятларнинг устав капиталига қўйиладиган минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланади. Шунингдек давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундирилади (консуллик йиғимлари бундан мустасно).

Шу муносабат билан амалдаги бир қатор ҳужжатларға ўзгартиришлар киритилди.



Субъект/тўлов тури	Белгиланган миқдор	Авалги миқдор
Устав капиталнинг минимал миқдори		
Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар	600 млн сўмдан кам эмас	150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам эмас
Янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари	Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада 1 600 млн сўмдан кам эмас	Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги МБ курси бўйича 400 минг АҚШ долларига тенг сумма
Сугурталовчилар	1) умумий сугурталаш тармоғида – 7,5 млрд сўм; 2) ҳаётни сугурталаш тармоғида – 10 млрд сўм; 3) мажбурий сугурталаш бўйича – 15 млрд сўм; 4) фақат қайта сугурталаш бўйича – 30 млрд сўм ¹	1) умумий сугурталаш тармоғида – 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма; 2) ҳаётни сугурталаш тармоғида – 750 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма; 3) мажбурий сугурталаш бўйича – 1 000 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма; 4) фақат қайта сугурталаш бўйича – 3 000 минг АҚШ долларига тенг бўлган сумма
Янгитдан ташкил этилаётган банклар	100 млрд сўм ²	Тижорат банклари учун – сўм эквивалентида 10 млн еврогача; хусусий банклар учун – сўм эквивалентида 5 млн еврогача
Солиқлар ва йиғимларнинг айрим ставкалари		
Халқаро ННТ, шунингдек халқаро ва хорижий ННТларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, уларнинг раъзларини рўйхатдан ўтказиш учун ундириладиган давлат божи	ЭКИХнинг 12,5 баравари	ЭКИХнинг 10 баравари ва 50 АҚШ доллари
	ЭКИХнинг 3 баравари	ЭКИХнинг 2 баравари ва 25 АҚШ доллари
Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкалари	<i>Катошли мис</i> «кесиш нархи»гача 1 тонна учун 18 400 000 сўмдан юқори	сўмдаги эквивалентда «кесиш нархи»гача 1 тонна учун 4 600 АҚШ долларидан юқори
	<i>Табиий газ</i> «кесиш нархи»гача 1 000 куб м учун 640 000 сўмдан юқори	сўмдаги эквивалентда «кесиш нархи»гача 1 000 куб м учун 160 АҚШ долларидан юқори
Айрим тўловлар		
Хорижий олим, ўқитувчи ва мутахассисларға шу жумладан Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан тўланадиган кундалик меъёр	80 минг сўм	МБнинг тўлов кундаги курси бўйича 20 АҚШ доллари эквивалентида
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	1) кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит миқдорининг 50%гача, аммо 2 млрд сўмдан кўп бўлмаган ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиш; 2) тижорат банкларининг қиймати 4 млрд сўмдан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш	1) кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредитлари бўйича кредит миқдорининг 50%гача, аммо 500 минг АҚШ долларидан ёки унга эквивалент суммадан кўп бўлмаган ҳажмда кафил бўлиш; 2) тижорат банкларининг қиймати эквивалентда 1 млн АҚШ долларидан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш
Давлат ва корпоратив харидлар (1.01.2018 йилгача)		
Нархи, сифати ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддатлари бўйича энг мақбул келадиган шартларни таклиф қилган етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш	1 та контракт бўйича 4 млн сўмдан кам	1 та контракт бўйича 1 минг АҚШ долларидан кам
Энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали	1 та контракт бўйича 4 млн сўмдан 400 млн сўмгача	1 та контракт бўйича 1 мингдан 100 минг АҚШ долларигача
Танлов (тендер) савдоларини ўтказиш орқали	1 та контракт бўйича 400 млн сўмдан кўп	1 та контракт бўйича 100 минг АҚШ долларидан юқори миқдорда
Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш		
Танлов савдоларида сотиладиган банкрот корхона мол-мулкнинг баҳолаш қиймати	8 млрд сўмдан кам эмас	2 млн АҚШ долларига тенг суммадан кам эмас

¹ Фаолиятни амалға оширадиган сугурталовчилар 1.07.2018 йилгача устав капитал миқдорларини кўрсатилган талабларға мувофиқ ҳолға келтиришлари шарт.

² Марказий банкка тижорат банклари билан биргаликда 1.01.2019 йилгача тижорат банкларининг устав капиталлари миқдорларини кўрсатилган миқдорларға келтириш топширилди.

Шуни қайд этиш лозимки, пахта толасини қайта ишлайдиган барча корхоналар ҳам эндиликда уни миллий валютада харид қилмоқдалар. Бундан ташқари, ТДЮУ бакалавриатида таълим олувчи хорижий фуқароларнинг контракт суммалари сўмда тўланмоқда.

Президентнинг 2.12.2016 йилдаги

ПФ-4861-сон Фармонидан меҳмонхона хизматлари ҳақини ЭАВда тўлаш шарт **чиқариб ташланди**. Бундан келиб чиқадики, меҳмонхоналарда ва бошқа жойлаштириш жойларида кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миллий валютада ёхуд халқаро тўлов карталари орқали ҳам қабул қилинади.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхоналарига ички бозорда тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларини ЭАВга харид қилиш бўйича илгари тақдим этилган ҳуқуқ ҳам **бекор қилинди**. Бироқ уларни харид қилишда ҚҚСнинг ноль даражали ставкаси, шунингдек ёрдамчи материаллар (республикамызда ишлаб

чиқарилмайдиган) учун импорт божхона божларини тўлашдан озод қилишга доир имтиёз 1.01.2020 йилгача амал қилишда давом этади.

Ҳужжат 30.09.2017 йилда кучга кирди.

Зумрад Ниязметова, адвокат.

Ташкилот Россиядан ёнгин датчиклари етказиб берилишига доир импорт контракти тузди. Спецификацияда СРТ Тошкент шартларидаги транспорт ва божхона харажатлари суммаси алоҳида сатрда кўрсатилган. Бошқа фирма худди шундай контракт тузган эди, биз эса воситачилик шартномаси бўйича юкни қабул қилиб олувчи ҳисобланамиз.

1. Товар СРТ Тошкент шартларида етказиб берилаётган бўлса, транспорт харажатлари Ўзбекистон норезидентининг даромади ҳисобланадими?

2. Ташкилотимиз буюртмачи ва фақат юкни қабул қилиб олувчи ҳисобланса, норезидентнинг даромадларидан фойда солигини тўлаши шартми?

МЧЖ бухгалтери.

Транспорт хизматлари норезидент даромади сифатида

1 СРТ Тошкент етказиб бериш шarti билан товарни сотиш (импорт қилиш) шартномангиз предмети ҳисобланади.

СРТ етказиб бериш шартларида кўра сотувчи товарни етказиб бериш жойидан тайинланган жойигача ташиш шартномаси тузилишини таъминлаши шарт.

Сотувчи куйидагиларни тўлаши шарт:

Ўзбекистондаги манбалардан олинган даромадларга кирмайди (Солиқ кодексининг 155-моддаси 4-қисми 2-хатбоши). Шу сабабли унга солиқ солинмайди.

2 Транспорт хизматлари алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилган бўлса, халқаро ташишларда транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатишдан



➤ шартнома тузилган ташувчига товар етказиб бериладиган (топшириладиган) пайтгача унга алоқадор бўлган барча харажатларни;

➤ ташиш шартномасига кўра сотувчи зиммасига юклатилган товарни юклаб ортиш ва тайинланган жойда юклаб тушириш харажатларини;

➤ божхона ва товарни олиб чиқиш билан боғлиқ бошқа тўловлар (Инкотермс 2010).

Товарни етказиб бериш шартномаларида (спецификацияларда) шартнома предмети – товарни сотиш эканлигини бир хилда талқин қилиш учун транспорт хизматлари қийматини ажратиб кўрсатиш тавсия этилмайди. Бунинг устига, транспорт хизматлари унинг таннарига киради (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСнинг 13-банди).

Бу ҳолда норезидент товарни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришдан даромад олади, у

олинган даромад сифатида талқин қилинади. Бунда юкни қабул қилиб олувчидан (ташкilotингиздан) олинган сумма билан юк ташувчига тўланиши керак бўлган, бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланган сумма ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ҳақ суммасига тўлов манбаида даромад солиғи солинади. Солиқ ставкаси – 20%. Бирламчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, норезидентга 6%лик ставка бўйича транспорт хизматлари учун тўланган умумий суммага солиқ солинади (Солиқ кодексининг 155-моддаси 3-қисми 10-банди, 160-моддаси 3–4-бандлари).

Транспорт хизматлари ажратиб кўрсатилган 3 тарафлама шартнома тузилганда юкни қабул қилиб олувчи ташкilotингиз эмас, балки норезидентга даромад тўловчи ташкilot солиқ агенти бўлиб чиқади.

Ольга Рулёва,
«Norma Online» эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкilotлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталланган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Оилавий корхонадаги хоналар: фойдаланиш йўллари

Чакана савдо билан шугулланувчи оилавий корхона келгусида аҳолига тренажёр залида хизмат кўрсатиш учун тренажёр ускуналари комплектини сотиб олди. Эшитишимизча, оилавий корхона хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган ўз хоналарини нотурар жой фондига ўтказмаслиги мумкин экан. Оилавий корхона муассисларидан бири тренажёр зали учун хона берди, унда янги ускуналар ўрнатилиб, фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди.

1. Муассис билан тренажёр зали учун хонани ижарага олиш шартномасини тузиш зарурми?

2. Тренажёр залида тренер бўлиб ишлаш учун қандайдир рухсат берувчи ҳужжатлар талаб этиладими?

Н.Раҳматуллаева, бош бухгалтер.



1 Иштирокчи хонани оилавий корхона умумий фойдаланишига берган бўлса, ижара шартномасини тузиш керак эмас. Акс ҳолда шартнома тузиш зарур.

Оилавий корхона иштирокчининг мол-мулкidan (сизнинг ҳолатда хонасидан) 2 хил йўл билан фойдаланиши мумкин:

1) иштирокчи оилавий корхонанинг таъсис шартномасида ушбу мол-мулкни иштирокчиларнинг оилавий корхона фойдаланишига берилаётган мол-мулкни рўйхатида кўрсатади. Таъсис шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, оилавий корхона балансида берилган иштирокчиларнинг мол-мулкни рўйхати қисмида унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Бунда қайта давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди («Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси). Қўрилган ҳолатда оилавий корхона иштирокчиси билан ОКнинг ўзи ўртасида ижара шартномасини тузиш талаб этилмайди;

2) ОКнинг таъсис ҳужжатларига кўра иштирокчи ушбу мол-мулкни корхона фойдаланишига бермаган. Бу ҳолда хонани ижарага олиш шартномаси ёки текин фойдаланиш шартномасини тузиш зарур.

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар ОК фаолияти амалга ошириладиган жойдир.

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни улардан ОК фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди, бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно (Қонуннинг 16-моддаси). Шундан келиб чиққан ҳолда турар жой хонасини нотурар жой фондига ўтказишингиз керак эмас деб ҳисоблаймиз.

2 Тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун жисмоний шахс аттестациядан ўтиши ва тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун рухсатнома олиши зарур (Низом, ВМнинг 13.07.2012 йилдаги 214-сон қарорига 1-илова). Тренерлик фаолияти билан шугулланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси томонидан талабгор 3 йилда 1 марта аттестациядан ўтказилади. Талабгор Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш марказига (Комиссиянинг ишчи органи) мурожаат қилиши ва куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

➤ тренерлик фаолиятининг турини кўрсатган ҳолда ариза;

➤ талабгорнинг шахсий анкетаси;

➤ пропискиси мавжуд бўлган паспортининг нусхаси;

➤ олий ёки ўрта махсус, касбий жисмоний тарбия маълумоти тўғрисидаги диплом (мавжуд бўлса);

➤ иш жойи бўйича тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг нусхаси ёки ундан кўчирма (мавжуд бўлса);

➤ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисидаги сертификат (мавжуд бўлса);

➤ солиғининг ҳолати тўғрисидаги тиббиёт (психиатрия, наркология ва физиология) муассасаларининг маълумотномалари;

➤ жисмоний шахснинг СТИР гувоҳномаси нусхаси;



➤ аттестациядан ўтказилганлиги, тренерлик фаолияти билан шугулланишга рухсатнома расмийлаштирилганлиги ва берилганлиги учун тўловни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси. Аттестациядан ўтказилганлик, тренерлик фаолияти билан шугулланишга рухсатномани расмийлаштирилганлик ва берилганлик учун тўлов кундаги ЭКИХнинг 1 баравари миқдориди тўлов ундирилади.

Комиссиянинг ишчи органи тақдим этилган ҳужжатларни 15 кун муддатда қўриб чиқади ҳамда аттестациянинг биринчи босқичи ўтадиган сана ва жой тўғрисида ёки аттестациядан ўтказишнинг рад этилиши ҳақида қарор қабул қилади. Аттестациянинг ўзи 2 босқичда ўтказилади, ундан муваффақиятли ўтган тақдирда, тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун рухсатнома берилади.

Лайло Ашурова,
«Norma Online» эксперти.

Корхона ҳужжатлари йўқотилган кўчар мулкни улуш сифатида кириштириш йўли билан устав фондини шакллантиришни режалаштирмоқда. Бунинг устига, ускунани олиб кириш пайтида янги юридик шахс ҳали ташкил этилмаганлиги сабабли у олиб кириладиганда бошқа юридик шахс номига расмийлаштирилган эди. Корхона муассиси – жисмоний шахс ускунани олиб киришга шошилди. Божхонада туриб қолиши ва сақланиши учун пул тўламаслик мақсадида уни бошқа юридик шахс номига расмийлаштирди.

Ушбу вазиятда устав фондига ҳиссани қандай қилиб қонунийлаштириш мумкин:

- 1) аввал тарафлар (директор ва муассис) қийматни келишиш далолатномасини имзолаган ҳолда муассислар йиғилиши баённомаси билан балансга қабул қилиш;
- 2) мол-мулкни мустақил баҳолашдан ўтказиш (бунга зарурат борми) ва бозор қийматида балансга қабул қилиш;
- 3) юкни божхонадан ўтказишда балансга расмийлаштирилган корхонадан ускунани сотиб олиш?

Л.Купцова, бош бухгалтер.

– Жамият иштирокчиси фақат ўз мулкидаги мол-мулкни устав фондига ҳисса сифатида киритиши мумкин.

Саволдан кўринишича, муассис – жисмоний шахс МЧЖ устав фондига ҳисса сифатида киритмоқчи бўлган мол-мулк айти пайтда бошқа юридик шахсга тегишли. Шу сабабли муассис аввал ушбу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олиши керак. Масалан, уни мол-мулк мулкдори бўлган юридик шахсдан сотиб олиши лозим.

Мулккий ҳиссанинг пул баҳоси чиқарилиши ва жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланиши керак («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси). Ушбу талаб баҳолаш объекти тўлиқ ёки қисман давлатга тегишли бўлган ҳолларга татбиқ этилмайди.

Жамият иштирокчилари қарор қа-

Мулкимизни қайтармоқчимиз



бул қилаётганда бундай мол-мулкнинг бозор нархларини ёхуд мол-мулкнинг ҳужжатлар* билан тасдиқланган ҳақиқий қийматини кўриб чиқишлари мумкин. Бироқ мол-мулкнинг ўзига учинчи шахслар ҳақи бўлмаслиги керак, сабаби мол-мулк МЧЖ устав фондига ҳисса сифатида киритилгандан кейин у мазкур МЧЖга мулк ҳуқуқида тегишли бўлади (ФКнинг 58-моддаси).

Мол-мулкка доир ҳужжатлар унинг хусусиятига, масалан, унинг техник тавсифлари, функционаллиги ёки фойдаланишга қўйиладиган талабларга боғлиқ, Кўп турдаги ускуналарга техник

ҳужжатлар албатта илова қилинади. Усқунанинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлса, улар ҳам асқотади. Импорт қилинган мол-мулкнинг қонуний равишда ЎзР ҳудудига олиб кирилганлиги ва расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (БЮД) нусхаларини, ҳатто иштирокчи билан юридик шахс – аввалги мулкдори ўртасидаги мол-мулкнинг олди-сотди шартномаси нусхасини илова қилиш мақсадга мувофиқ. Юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлар иштирокчи мол-мулкни қонуний тарзда сотиб олганлигини тасдиқлайди.

Рўйхатдан ўтиш жойини ўзингиз белгилайсиз

Корхона ўзи рўйхатдан ўтказилган Тошкент вилоятида фаолият юритмоқчи эди. Бироқ айти пайтда Тошкент вилоятида ер ажратилиши ва завод қурилиши режалаштирилмоқда. Корхона Тошкентда маъмурий бинони ижарага олган, ҳамма иш фақат шу ерда юртилади.

1. Тошкент вилоятининг Тошкент шаҳрига қайта рўйхатдан ўтишимиз мумкинми? Манзил ўзгариши муносабати билан у қай тартибда амалга оширилади?
2. Тошкентдаги маъмурий бино қоладиган бўлса, Тошкент вилоятидаги завод фаолиятини бошлашда корхона қаерда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак?

Е.Ан, бош бухгалтер.

1 Корхона жойлашган жойини ўзгартирган: Тошкент вилоятидаги жойидан Тошкент шаҳрига кўчган бўлса – у янги манзили бўйича қайта рўйхатдан ўтиши керак.

Юридик шахснинг манзили ўзгарган пайтдан бошлаб 10 кун ичида қайта рўйхатдан ўтиши зарур (Низомнинг 21-банди, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Сиз 2 хил усулда ҳужжатларни тақдим этишингиз мумкин:

- электрон тарзда – Тадбиркорлик субъектла-

рини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими воситасида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали;

- ҳақиқатда жойлашган жойингиздаги Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи марказга ўзингиз келган ҳолда (Низомнинг 4, 30-бандлари).

Электрон тарзда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- 1) ЭРИ ёрдамида порталда рўйхатдан ўтиш ва персонал «Тадбиркорлик субъекти кабинети» орқали «Бизнесни қайта рўйхатдан ўтказиш» хизматини танлаш («Ягона дарча марказлари» сайтида – fo.birdarcha.uz);
- 2) аризани тўлдириш йўли билан сўровномани шакллантириш (Низомга 9-илова). Аризага янги тахрирдаги таъсис ҳужжатларини давлат тилида (pdf форматида) илова қилиш керак;
- 3) давлат божини тўлаш¹.

Тизим орқали қайта давлат рўйхатидан ўтказиш



Лайло Ашурова, «Norma Online» эксперти.

реал вақт режимида, бироқ 30 дақиқадан кўп бўлмаган вақтда амалга оширилади.

Корхона вакили ўзи келганда қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиши керак:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат²;
- юридик шахс номидан унинг вакили ҳаракат қилаётган бўлса, ишончнома;
- қоғоз ташувчида янги тахрирдаги таъсис ҳужжатлари;
- давлат бож тўланганлиги тўғрисида ҳужжат.

Давлат бож Адлия вазирлигининг махсус очилган шахсий счётига тўланади. Тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божни ўзи келганда ушбу тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган ставканинг 50%ини, электрон тарзда – 25%ини ташкил этади (Низомга 2-илова).

2 Рўйхатдан ўтиш жойини хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи белгилайди. Ягона талаб – унинг жойлашган жойи рўйхатдан ўтказилган жойи билан бир хил бўлиши керак. Бошқарув органининг ва заводнинг ўзи турли минтақаларда жойлашган экан, қаерда рўйхатдан ўтишни мустақил равишда белгилашга ҳақиқисиз. Сиз танлаган рўйхатдан ўтиш жойи таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бўлиши керак («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси 6-қисми).

Агар у Тошкентдаги бошқарув органи бўлса, завод қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида бўлинма деб тан олиниши мумкин (ВМнинг 27.02.2017 йилдаги 105-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

¹Ставокани тизим автоматик равишда белгилайди.
²Паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси сингари.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Автомобиль йўллари назорат остида

Вазирлар Маҳкамасининг 2.10.2017 йилдаги 784-сон қарори билан «Uzavtoyo'lbegi» ДУКнинг асосий вазифалари белгиланди ва қорхонанинг бошқарув аппарати тузилмаси тасдиқланди.

«Uzavtoyo'lbegi» ДУКнинг асосий вазифалари:

➤ автомобиль йўлларини йўл ҳаракатини тартибга солишнинг техник воситалари билан жиҳозлашнинг ягона техник сиёсатини олиб бориш;

➤ стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш;

➤ йўл белгиларини тушириш, автомобиль йўлларини узоқ муддат фойдаланилишини таъминлайдиган барқарор йўл белгиларини тушириш учун материаллар ишлаб чиқариш;

➤ ИИБ ЙХХББ, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш.

Йил охиригача шаҳарлар кўчалари ва автомобиль йўллари паспортига асосан йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини хатловдан ўтказиш тугалланади. Йўл белгилари, кўрсаткичлар ва йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник во-

ситалари Республика йўл жамғармаси маблағлари (шу жумладан, валюта маблағлари) ҳисобидан ишлаб чиқарилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 4.10.2017 йилда кучга кирган.

Олег Заманов, «Norma Online» эксперти.



Алкоголдан мастлик далилини исботлаш лозим

Автотранспорт воситасининг эгаси ҳаракатланиш пайтида эмас, балки тўхташ жойида ИПХ ходимлари томонидан ушланиб, алкотестер ёрдамида алкогольдан мастлиги аниқланган. Алкоголь истеъмол қилган-қилмаганлиги ҳақида сўралганда кечагина ичганлигини айтган. Аудиовидеоёзувга кўра тиббиёт муассасасидаги шифокор ҳайдовчининг ҳаракатлари мувофиқлигини (тиз букиб юриши ва ҳ.к.) визуал текшириш билан чекланган, ҳали хулоса берилмаган. Ушланганда ва текширилганда ҳолислар ва гувоҳлар ҳозир бўлмаган. Материаллар судга топширилган.

1. Автоинспектор автомобилни бошқармаётган, балки тўхташ жойида турган, яъни рулда бўлмаган шахсга нисбатан баённома тузишга ҳақлими?

2. Алкоголга тиббий текширувдан ўтказиш (норматив ҳужжат) ва мастлик даражасини ёки қонда алкоголь борлигини аниқлаш тартиби қандай?

3. Ҳайдовчи ўзини адекват ҳолатда тутганда қон таркибида алкоголь борлигини аниқлаш учун қон намуналарини олиш шартми, бу ҳуқуқий оқибатларга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

Р.Қаллибеков.

ЖПК нормаларига мувофиқ, мастлик борасида гувоҳлантириш қуйидаги тартибда ўтказилади (145, 146-моддалари):

➤ гувоҳлантириш ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилинади;

➤ гувоҳлантиришнинг барча иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозим;

➤ гувоҳлантириш суриштирувчи ёки терговчи топширигига биноан ҳолислар иштирокида, шифокор ёки бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади;

➤ гувоҳлантиришдан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин.

3 Ҳайдовчи ўзини адекват ҳолатда тутганда қон таркибида алкоголь борлигини аниқлаш учун қон намуналарини олишнинг шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Ҳайдовчининг қонида алкоголь борлиги ҳақида экспертиза хулосасининг йўқлиги, фикримизча, ДЙХХХ ходим-

ларининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан судда низолашиш чоғида, айниқса ҳайдовчининг позициясини тасдиқловчи ҳолис гувоҳлар бўлса, ҳайдовчининг маст бўлмаганлигини исботлашда катта афзаллик беради.

Эркин Ҳосилов,
«Norma Online» эксперти.

1 Тўхташ жойида (ҳаракатланиш пайтида эмас) автомобилда бўлган ҳайдовчига нисбатан баённома тузиш ва уни маъмурий жавобгарликка тортишнинг тўғрилиги, фикримизча, қуйидагилар исботланишига боғлиқ:

1) ҳайдовчи автомобилни бошқариш ниятида бўлгани. Масалан, ҳайдовчи ҳаракатланишни бошламоқчи бўлган ёки уни эндиgina яқунлаган бўлса, алкогольдан мастлиги тасдиқланган ҳолда МЖТКнинг 131-«Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш» моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйиши аён бўлади;

2) алкогольдан мастлиги.

Ҳайдовчининг қоидаларга риоя этиш мажбурияти ҳаракатланишни бошлашдан аввал юзага келади, яъни ҳа-

ракатланиш пайти бўлиши шарт эмас. Масалан, ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлашдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак (ЙХҚнинг 53-банди, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова).



2 Шахснинг мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади (МЖТКнинг 292-моддаси 2-қисми).

Бироқ мастлик ҳолатини тиббий текширувдан ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат шу пайтгача қабул қилинмаган.

Шу билан бирга транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкогольли ичимликдан, гиёҳванд модда таъси-

ридан ёки ўзгача тарзда мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йилу 6 ойдан 3 йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 136-моддаси 1-қисми).

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (АВ томонидан 5.07.2011 йилда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳам белгиланганидек, тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаш қўпол ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (39-банди).

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Россияда чет эллик ҳайдовчилар гувоҳномаларини алмаштиришлари керак бўлади

Россия ИИБ Россияда ярим йилдан ортиқ вақтдан буён яшаётган чет элликларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш мажбуриятини юклайдиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқмоқда. Янги қоидалар 2018 йил июндан бошлаб кучга кириши мумкин экан.

«Амалиётнинг кўрсатишича, Россия Федерацияси фуқаролигини олган ёки унинг ҳудудига доимий яшаётган шахслар чет элда, шу жумладан муддатсиз берилган ҳайдовчилик гувоҳномалари асосида транспорт воситаларини бошқарадилар», — дея изоҳладилар ИИБда, бу мазкур шахсларга мажбурий тиббий текширувдан ўтишдан бўйин товлашларига имкон беришини қўшимча қилиб ўтдилар.

Шу муносабат билан ИИБ Россияда доимий яшовчи фуқароларнинг чет элда берилган миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси яшаш гувоҳномасини олган ёхуд Россия ҳудудига кириб келган кундан бошлаб 6 ой ўтгач ҳақиқий эмас деб топилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини қабул қилишни таклиф этмоқда.

Қайд этилишича, қонун лойиҳаси Россияда вақтинча турган, вақтинча ва доимий яшаётган чет эллик фуқаролар, шунингдек юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга дахл қилади.

Маълумот учун. 2017 йил 1 июндан бошлаб жамоат транспорти соҳасида банд бўлган чет эллик ҳайдовчилар Россия ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари шарт. Ҳайдовчилик ҳуқуқини олиш учун чет эллик фуқаролар 1 та назарий ва 2 та амалий имтиҳон топширишлари зарур. Кейинроқ Белоруссия ва Қирғизистон фуқаролари учун бу тартиб истисно қилинди.

Манба: mail.ru.

Қарз қайтарилишини қандай таъминлаш мумкин

«Қарз берганинг заҳоти ондан кечиб юбор» – дея маслаҳат берганлар қадимгилар. Бироқ ҳамма ҳам бундай саховат қилишга қодир эмас. Шу сабабдан қонун ҳужжатларида қарз қайтарилишини таъминловчи нормалар назарда тутилган. «Norma Online» эксперти Самир Латипов жисмоний шахслар ўртасида қарз шартномасини тузишга доир асосий юридик тавсиялар беради.

1-қоида.

Ёзма шартнома тузинг

Қонунда фуқаролар ўртасида пулни қарзга бериш битимларини ёзма расмийлаштириш талаб этилмайди. Бунинг учун жазоламайдилар. Бироқ ФКнинг 108 ва 109-моддаларига мувофиқ, қарз суммаси ЭКИХнинг 10 бараваридан (1 497 750 сўм) ортиқ, қозғолар эса бўлмаса, низо чиққан тақдирда тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Суд гувоҳларнинг сўзларини қабул қилмайди ва бошқа объектив далил-исботларни талаб қилади. Уларни тақдим этиш эса мушкул.

Қарз олувчининг мажбуриятларини (ЭКИХнинг 10 бараваридан ортиқ ёки кам суммани ҳам) қозғолар қайд этиш анча осон. Бундан ташқари, келгусида оғзаки келишувнинг мазмунини белгилаш анча қийин кечади-ган қўтилмаган ҳодисалар (шартнома иштирокчиларининг мажбуран кетиши, вафот этиши ва ҳ.к.) рўй бериши мумкин.

Келишув тарафлар имзолаган ҳужжат (ёзма шартнома) ёхуд тилхат кўри-нишида расмийлаштирилиши мумкин. Иккала ҳолатда битимнинг ёзма шакли-га риоя қилинган ҳисобланади (ФКнинг 733-моддаси).

2-қоида.

Мажбуриятларни батафсил қайд этинг

Шартнома ёхуд тилхатда қуйидаги-ларни албатта кўрсатиш зарур:

➤ берилаётган пул суммаси – кели-шувнинг асосий қисми, унинг предмети саналади;

➤ қарз олувчи қайд этилган суммани олганлиги далили – пулни олиш пай-тигача қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади.

ЭКИХнинг 10 бараваридан ортиқ бўлган битимларда маблағларнинг қайтарилиши ҳам ёзма равишда тас-диқланиши лозим. Амалиётда тар-қалган қарз олувчига тилхатнинг асл нусхаси қайтарилиши техник жиҳатдан олганда маблағлар қайтарилганлиги-нинг тўлиқ исботи бўла олмайди, ни-зولي вазиятларда бу номақбул оқибат-ларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Қайтариш муддатини, яъни қарз-

ни тўлиқ сўндириш талаб этиладиган санани белгилаб қўйишни ҳам тавсия этамиз. Агар бундай қилинмаса, кре-дитор исталган пайтда пулни қайтаришни талаб қилиши мумкин, қарз олувчи эса талаб қўйилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бутун суммани қайтариши керак.

Маблағлар бир йўла ёхуд қисмлаб қайтарилишини ҳам олдиндан ҳал қи-лиш мақсадга мувофиқ. Бу масала кели-шиб олинмаганда қарз олувчи пулни (унинг бир қисмини) тўлиқ қайтариш са-насигача қайтаришга мажбур эмас. Кре-дитор эса қарз олувчининг тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш таклифини қабул қилиш-қилмаслиқни ўз хоҳишига кўра ҳал қилади. Бунда тўловлар жадвали мавжуд бўлганда унинг муддатини бу-зиш – қарзнинг барча суммасини муд-датидан олдин тўлашни талаб қилишга



асос эканлигини ҳисобга олиш талаб этилади. Бу кредитор учун қўлай.

Ҳисоблашиш шаклини ҳам келишиб олиш лозим. Фуқаролар нақд, пластик картадаги ва банк счётидаги пул тур-ли қимматга эга деган фикрда бўла-дилар. Қонун нуқтаи назаридан нақд ва нақдинасиз пул бир хил қийматга эга бўлса ҳам, ФКнинг 238-моддасида мажбуриятнинг келишилган ва мақбул усулда бажарилиши сифатида тўлов-нинг аниқ шакли шартномада акс этти-рилишига йўл қўйилади. Агар бу қайд

этилмаган бўлса, олинган нақд пулни кредиторнинг мазкур операциялар бў-йича расмий харажатларини қоплаган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан қайтаришига йўл қўйилади (яъни ўтказма учун воситачилик ҳақини қарз олувчи тўлаши шарт, кредитор эса тў-лиқ суммани олади).

Амалиётда қарзни валютада бериш-га йўл қўйилиши ҳақида ҳам кўп савол-лар юзага келади. Бунда юристларнинг (назарийчи ва амалиётчи) фикрлари фарқланади.

1-позиция	2-позиция
Тақиқланган ва валюта бойлиқларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш тарзидаги ҳуқуқбузарлик ҳисобланади («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси). Суммаси ва аралашганлигига қараб бундай хатти-ҳаракатлар валютани мусодара қилган ҳолда ЭКИХнинг 5 бараваригача миқдордаги жарима (МЖТКнинг 170-моддаси) ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш (ЖККнинг 177-моддаси) билан жазоланади ¹ .	Рухсат берилган , сабаби бундай олиш ёки ўтказиш деб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларни ўрнатилган тартибларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилади (ОСПнинг 28.04.2000 йилдаги 8-сон қарори 4-банди). Яъни бир валюта бошқа валютага ўтказилмаса, ушбу ҳуқуқбузарлик таркиби бўлмайди. Товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўловларнинг чет эл валютасида қабул қилинишига доир битимлар савдо қоидаларини бузиш деб баҳоланади (МЖТКнинг 164-моддаси; ЖККнинг 189-моддаси). Бироқ шахсий мол-мулк сотилганда ушбу моддалар қўлланмайди, сабаби улар фақат тадбиркорлик субъектларига тааллуқли. Бунда қарзлар маъмурий ва жиноий санкциялар соҳасидан умуман чиқиб кетади

Бундай вазиятда ФКнинг 245-мод-даси нормаларидан фойдаланишни тавсия этамиз. Унга мувофиқ, пул мажбуриятида у сўм билан чет эл валютасидаги муайян суммага экви-валент бўлган суммада ёки шартли пул бирликлари билан (эю, «махсус қарз олиш ҳуқуқлари» ва бошқалар) тўланиши лозимлиги назарда тутили-ши мумкин. Бундай ҳолларда миллий валютада тўланиши лозим бўлган сумма тегишли чет эл валютасининг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белги-ланади.

Масалан, кредитор қарз олувчига

1 минг АҚШ долларига эквивалент бўл-ган суммани (8 млн сўм) берса, қарз олувчининг пулни қайтариш пайтида 1 минг АҚШ долларига эквивалент суммани қайтариш мажбуриятини кўрсатиш мумкин. Шу тариха ҳуқуқбу-зарликка йўл қўйиш хавфи бартараф этилади, шунингдек кредитор ажратган маблағларнинг харид қобилияти сақ-ланади. Қарзнинг ўзи расман фоизли қарзга айланади.

Сўм курси мустаҳкамланган (доллар курси тушган) тақдирда қайтарилади-ган қарз камида 8 млн сўмни ташкил этиши кераклигини қайд этишга тақиб йўқ.

3-қоида.

Олдиндан ҳимояланинг

Сиз салмоқли сумма бераётган ки-шининг шахсини ўрганнг. Бунинг учун нафақат паспортнинг асл нусхаси билан танишиш ва унинг кўчирма нусха-сини олиш, балки эҳтимолий қарздор-нинг тўловга қобиллигини олдиндан баҳолаш зарур.

Бунда кредит ташкилотлари иши-нинг асосий принципларидан фойда-ланиш мумкин:

1) қарздор қарз мажбу-риятини зиммасига қабул қилиш олдиндан узоқ давр мобайнида (камида 1 йил)

8-бетда

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

«Маҳалла посбони» раҳбарлари ИИО кадрлар захирасига киритилади

Вазирлар Маҳкамасининг 7.10.2017 йилдаги 805-сон қарори билан Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисида низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Тузатишларга биноан жамоатчилик тузилмаси раҳбари фуқаролар йиғини раи-си ва профилактика инспекторининг тавсиясига кўра ИИО кадрлар захирасига киритилади.

Бунинг учун унинг ёши 30 дан ошмаган бўлиши, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ИИО ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлиши, муддатли ҳарбий хизматни ёки СЧЗ-да хизматни ёхуд олий таълим муассасасида ҳарбий тайёргарликни ўтаган бўлиши, шу-нингдек жамоатчилик тузилмасида камида бир йил ишлаган бўлиши керак.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 10.10.2017 йилда куч-га кирди.

Олег Заманов, экспертими.

¹Максимал жазо чоралари кўрсатилган.

Қарз қайтарилишини қандай таъминлаш мумкин

7-бетда барқарор даромад олган бўлиши (иш, муваффақиятли тадбиркорлик фаолияти) мақбул. Бу кредитор фойдасига эҳтимолий суд ундирувларининг бўлажак манбаидир;

2) бутун қарзни тўлаш учун ҳар ой олиб қўйиладиган сумма миқдори шу даврда олинган даромаднинг ярмидан ошиши тавсия этилмайди. Яъни қарз берилган муддатда керакли суммани тўплаш учун маошнинг ярми етарли бўлиши керак. Зеро «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддасига кўра, қарздорнинг иш ҳақидан кўпи билан 50% ушлаб қилиниши мумкин. Ундириш учун вақт сарфламай десангиз, ушбу жиҳатни эътиборга олинг;

3) қарздор қарз қайтарилмаган ҳолатда ундирув қаратилиши мумкин бўлган етарли мол-мулкка эга бўлиши керак. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40 ва 41-моддаларига мувофиқ, агар қарз-

дорнинг ундирув қаратилиши² мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан суд ижроси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада қўрилган барча чоралар натижасиз бўлса, ижро ҳужжати ундирувчига қайтарилади. Бунда ижро иши юритиш тамомланади ва қарз умидсиз қарзга айланади. Шу сабабли белгиланган тартибда кўчмас мулк ёки транспорт воситасига гаровни (нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш – мажбурий) расмийлаштириш ёхуд бошқа қимматли мол-мулкни гаровга қўйиш, яъни гаров предмети кредиторга берган ҳолда гаров ҳақида ёзма битим тузишни тавсия этамиз;

4) мол-мулк бўлмаган тақдирда учинчи шахсларнинг кафилигини қабул қилиш мумкин. Кафилининг тўлов қобилиятига қарздорга бўлганидек талаблар қўйилади. Кафилик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Нотариал тасдиқлаш мажбурий эмас, бироқ мақбул саналади.



Мақкур шарҳда баён этилган тавсиялар базавий бўлиб, турмушдаги барча ҳолатларни қамраб олмайди. Бироқ улар билан танишув кредиторлар кўп учрайдиган ҳолатларга йўл қўймасликларидан ёрдам беради.

²Ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк тўғрисида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 52-моддасида, шунингдек Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхатида (ВМнинг 14.04.2009 йилдаги 110-сон қарори билан тасдиқланган) батафсил сўз юритилган.

ТАРАДДУД

Тошкентда илк бор: Глобал тадбиркорлик ҳафталиги

Глобал тадбиркорлик тармоғи (GEN) ваколатхоналари ҳар йили дунёнинг 170 дан зиёд мамлакатда Глобал тадбиркорлик ҳафталиги ва кўплаб бошқа ишбилармонлик тадбирларини ўтказишди. 2017 йилда Ўзбекистон мазкур ташкилотга қўшилди ва мамлакатимизда 13 ноябрдан 19 ноябргача ўтказиладиган ҳафталик ҳамкорликнинг дастлабки натижаси бўлади.

Халқаро бизнес ва технологиялар уюшмасида (ХБТУ) ўтказилган матбуот анжуманида унинг ташкилотчилари тадбир қандай майдончаларда ва қайси тартибда ўтказилиши, шунингдек Глобал тармоққа аъзо бўлишнинг афзалликлари ҳақида сўзладилар.

GEN Uzbekistan вакиллари сифатида ХБТУ, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ground Zero коворкинг-маркази билан ҳамкорликда, бир қатор бошқа ҳамкорларнинг кўмаги билан 1-йиллик Глобал тадбиркорлик ҳафталигини ташкил қиладилар.

ХБТУ раҳбари Ҳикмат Абдурахмоновнинг маълум қилишича, Глобал тадбиркорлик тармоғи – дунёнинг 170 мамлакатидан, тадбиркорлиқнинг ягона глобал экотизимини барпо этишга йўналтирилган тармоқлар, дастурлар ва ташаббусларнинг йил бўйи давом этадиган ҳаракат дастури. Ўтказиладиган тадбирлар

тадбиркорларга ўз имкониятларини тадқиқ қилишда, трендлар ва янги бизнес куруллари тўғрисида ахборот олишда, ишбилармонлик алоқаларини кенгайтиришда ёрдам беришни тақозо этади.

Ҳафталик 6 кун давом этади. Ҳар бир мавзувий кун доирасида иштирокчилар мамлакатимиз ва хорижий экспертларнинг қуйидаги йўналишлар бўйича маърузаларини тинглайдилар: тадбиркорлик учун инфратузилма; стартап-ҳаракатни ривожлантириш; бизнеснинг самарадорлиги ва ўсиши; инновациялардан фойдаланиш; ёшлар тадбиркорлиги; инвестицияларни жалб этиш усуллари. Шунингдек замонавий ва халқаро амалиётлар намойиш этилади. Ёшлар иттифоқининг матбуот клуби, Ground Zero коворкинг-маркази ва Ёшлар ижодиёт саройи тадбирларни ўтказиш учун ўз майдончаларини тақдим этадилар.

Бўлғуси Ҳафталикни тақдим этиш доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Одилжон Тожиев мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисмини 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этишини қайд этди. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга катта эътибор бериш – давр талаби. Тадбиркорлик ҳафталиги мазкур вазифани рўйбга чиқариш учун яна бир самарали дастакка айланишидан умидвор бўлган Ёшлар иттифоқи унинг ҳамкорига айланади.

Ҳафталикнинг ҳамкорларидан яна бири – Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси. Ушбу мамлакат дипломатик идораси раҳбари Эдуард Шапраннинг айтишича, бугунги кунда Исроилда 200 атрофида турли хил стартап-акселератор (бошлангич сармоясига эга бўлмаган ёш бизнесменларни қўллаб-қувватлайдиган ва молиялайдиган ташкилот) ишламоқда. Шу тўғрисида мамлакат қисқа муддатда инновацияларни жалб этиш соҳасида пешқадамлар сафидан жой олди. Исроиллик экспертлар Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ўз тажрибаларини баҳам қўришга тайёрлар.

– Билдирилган тавсияларнинг яқунларига кўра Ўзбекистонда қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга ҳам дахлдор бўлган бизнесни янада ривожлантириш учун тақлифларни ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда, – дея таъкидлади ССП чет эл инвестицияларини жалб этишга кўмаклашиш бошқармасининг бошлиги Олег Рижиченко.

Саида Жонизоқова,
«Norma Online» муҳбири.

Иқтисодий – ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сванба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарход Собирович
ҚУРБОНБОВ**

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўроғ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Бяхоси қилинган нархда.
Буюртма 1197. Адади 1 070. Газета 2017 йил 23 октябрь соат 19.30 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муножабат қилиш мумкин.